O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY
INV.№

# ХАЛҚ ҚОНУННИ ЎЗ ТАЯНЧИ, ЎЗИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ДЕВОР СИФАТИДА ҲИМОЯ ЭТМОҒИ ЛОЗИМ

**Гераклит**

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 13-19 феврал | № 7 (211) | Сотувда эркин нархда

*Адлия вазирлигида*

## ШАРТНОМАВИЙЛИК ИҚТИСОДИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий хўжалик суди ҳамкорлигида мамлакат энергетика комплекси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари ва шартномавий муносабатларга масъул шахслари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг ўринбосари Б.М.Мустафоев олиб борди.

- Эндиликда режали тизимдан воз кечиб, эркин шартномавий муносабатлар билан муомала қилиш шароити вужудга келди, - деди у жумладан, - шуни яхши англаш керакки, тўғри ва қонун доирасида шартномалар тузиш, унинг ижросини ўз вақтида таъминлаш иқтисодий ислоҳотлар ривожига кафолатдир.

Йиғилишда Адлия вазирлигининг таркибий тармоқ раҳбари ўринбосари А.Наврўзов «Энергетика комплекси таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва улар ижросини таъминлашнинг аҳволи» хусусида, Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори О.Саимов «Энергетика комплекси тизимида шартномавий муносабатлар бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари» ҳамда Олий хўжалик судининг судьяси Е.Еснияҙов «Шартнома мажбуриятлари бузилишида жавобгарлик» тўғрисида маърузалар қилишди.

Семинарда шартномавий муносабатларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида ўз вақтида, пухта ўйланган ва қонуний шартномалар тузиш чораларини кўриш, бу борада юристларнинг муносабатларини ҳам давр талабига мос тарзда ўзгартириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида хўжалик шартномалари тузишда юристларнинг ўрни муҳимлиги хўжалик шартномаси, ички хўжалик шартномалари, оила, ижара, тайёрловчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг қонунийлигини таъминлаш ҳуқуқий давлат иқтисодий муносабатларининг асоси эканлиги эътироф этилди.

**Ўз мухбиримиз**





**Суратда: йиғилишдан лавҳалар.**
**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар**

## КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий маҳкамасида навбатдаги ҳуқуқий-маърифий ўқув ва малака ошириш машғулоти бўлиб ўтди. Бу галги мавзу Конституцияни ўрганиш режасига бағишланди.

- Адолат, иймон, инсонга ғамхўрлик каби хислатларни ўзида мужассам этган Конституциямизда, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуриш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш бош вазифамиздир, - деди маърузачи, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент Бахтиёр Мирбобоев, - Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси мағзида катта ҳаёт, оламча мазмун бисёр. Шу туфайли ҳам уни қайта-қайта ўқиш, мукаммал ўрганишни давр тақозо этаяпти.

Давлат ҳокимиятининг олий ҳуқуқий кучи қонунларда ифодаланади. Давлат органлари, фуқаролар, жамоат бирлашмаларининг биронта ҳам ҳаракатлари қонунга хилоф равишда амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Қонун устунлигининг аҳамияти ҳам шундадир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "...ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир".

Конституциянинг 16-моддасида: "Биророта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас", деб тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. Шу боисдан республикамизда фаолият кўрсатаётган Конституциявий суд Конституциянинг устунлигини таъминлаш учун ташкил этилган ва унинг зиммасига қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриб чиқиш, Бош қомусимиз ва қонунларнинг нормаларига шарҳлар бериш вазифалари юкланган.

Шу билан бирга меъёрий ҳужжатларнинг Конституцияга, қонунларга, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқлигини назорат қилиш, шунингдек, ижроия органларнинг меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириш муҳимдир. Бу вакolat эса республика Президентининг 1992 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Маърузачи Конституциядаги мавжуд бўлим, боб, моддаларни чуқур ўрганиш муҳимлиги, республикадаги барча давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, мансабдор шахслар ва барча фуқаролар унга, у асосда қабул қилинган қонунларга қатъий амал қилишлари лозимлигини таъкидлади.

Машғулот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ТАШАББУС ДОИМ ҚАДРЛИДИР

Аслида бу дунёда жаннат каби мамлакат йўқ. Агар кимдир ўз юртини оламда ягона деб билса, беҳиштларга алишгиси келмаса, бу ватаннинг бекамлигидан эмас, балки шу заминга бўлган муҳаббат боисидандир. Шунингдек, ватанга қарата ундаги камчиликлар хусусида сўзлаш ҳам унга бўлган муҳаббатнинг ифодасидир. Ўзи ватанни севмаслик мумкин эмас. "Ватан севмоқ иймондандир". Ўз навбатида юртдаги нуқсонларни кўра туриб, жим бўлиш, андишага бориш ёки қўрқиш ватан ва халқни ҳақоратлашдир.

Ўзбекистонимиз бебаҳо ўлка. Унга ўхшаш юрт жаҳоннинг бирор чеккасида топилмаслиги ҳам рост. Барча мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам ягонадир. Шунинг баробарида ўзга юртлар сингари у ҳам айрим муаммолардан холи эмас.

Озодликкача бўлган бир ярим аср вақт ўзидан Ўзбекистон учун ҳам жуда кўп катта-кичик муаммоларни "мерос" қолдирди. Буларнинг аксарияти ўтган тўққиз йил давомида муваффақиятли ҳал этилди. Бироқ шундай нуқсонлар ҳам борки, улар ҳалиҳануз ўз ечимини кутаётир. Шулардан бири сен менга тегма, мен сенга қабилида иш юритишдир. Кичик ва хилватроқ давраларда атрофдаги воқеаларга холисона баҳо бера оладиган одамга каттароқ минбарда сўз берилса ёки телерадионинг микрофони тутилса, газета саҳифасидан жой ажратилса, у бутунлай бошқа одамга айланади. Гапини "урра-урра"дан бошлаб "урра-урра"да тугатади. Аммо инсоният яшашда давом этар экан, унга тегишли муаммолар ҳам "ҳаётдир". Маълумки, шифокорлар касалнинг дардини даволашда унга тўғри ташхис қўйишга эътибор қаратадилар. Аниқланган касалликни аксарият ҳолларда даволаса бўлади. Номаълум ёхуд яширилган касаллик охир-оқибат одамни ҳалок қилади. Мамлакат ёки жамиятдаги касаллик ҳам шу сингаридир. Муаммолар ўз вақтида айтилмаса, кўпчилик эътиборига ташланмаса, бундай ҳолат жамиятни ич-ичидан емиради, фавқулодда юз берган қандайдир жараёнга дош беролмай, мамлакат хароб бўлади, давлат қулайди. Собиқ Иттифоқнинг қисмати бунга мисолдир.

Президентимиз Қашқадарё жамоатчилик вакилларининг навбатдан ташқари йиғилишида бу вилоятда йўл қўйилган камчиликлар ҳақда куюнчаклик билан гапирган эдилар. Бундай ҳолат бошқа вилоятларда йўқ деб ҳеч ким кафолат беролмаса керак. Юртбошимиз жойларда бўлганларида турли поғоналардаги раҳбарлар, оддий одамлардан уларни қандай муаммолар қийнаётганлиги ҳақида бот-бот сўрайдилар. У кишининг сўзларидан, юзларидаги ифодадан шу жойнинг аҳолиси, пировардида бутун халқни қийнаётган камчиликларни чуқурроқ билгилари келиши сезилиб туради. Ваҳоланки, жамоа, туман ёки вилоят раҳбари ўзига каттароқ масъулият олишдан, "сири" очилиб қолишдан қўрқиб гапирмаса, оддий меҳнаткаш шу раҳбарга "ёқмай қолишдан" қўрқиб гапирмайди.

Умуман олганда айримлар соҳани билганликлари ёки бошқалардан кўра яхшироқ натижаларга эришишлари мумкинлиги учун эмас, балки қандайдир "имкониятлар" учунгина "тепароққа" интиладилар, айрича бир "имтиёзлар" илинжида елиб-югурадилар. Қўл остидагиларнинг, соҳа, корхонанинг ҳаёти, тақдири уларни заррача қизиқтирмайди. Билиб-билмай хайрли ишга қўл урсалар, элу юрт манфаатидан кўра ўз манфаатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бугунги кун ҳар биримиздан фидойироқ, фаолроқ бўлишни талаб этмоқда. Фақат бундай фидойилик ва фаоллик холис ҳамда самимий бўлмоғи лозим. Яъни, масалан, қўшиқчи унвон илинжида куйламаслиги, раҳбар ўзидан юқоридагиларга ёқиш учун "ҳисобот" бермаслиги керак. Униси халқ ва санъат учун куйласа, буниси ҳам эл-юрт манфаатидан келиб чиқиб, ташаббускор, дадил, уддабурон бўлмоғи талаб этилади.

Биз кўпинча йилнинг охири ёки бошида марказий газеталарда, телерадио каналларида маълум соҳа ёхуд корхона раҳбарларининг ҳисобот чиқишларини учратамиз. Унда аниқ рақамлар келтирилиб, кўрсаткичлар "фалон фойиз", даромад "фалон сўмга" ошганлиги ҳақида гапирилади. Кўпчиликнинг фикри, шахсан Президентимиз кўмаги билангина ечилиши мумкин бўлган камчиликлар назардан четда қолади. Натижада кичкина бўлган нуқсон, кварталдан кварталга, йилдан йилга ўтиб, улканлашиб бораверади, мамлакат миқёсидаги муаммога ҳам айланиши мумкин. Масалан, ҳар бир давлатнинг тараққиёти учун ёшлар таълим-тарбиясининг нечоғли эканлиги муҳим. Турли минбарларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли бажарилаётганлиги айтилмоқда. Дарҳақиқат, ҳеч қайси даврда бугунгидек ёшларнинг билим олишига эътибор қаратилган эмас.

Ташаббус ҳамма жойда ва даврда қадрлидир. Айниқса, Ўзбекистондек энди озодликка чиққан давлатга ҳар бир одамнинг эзгу фикрлари, маълум масала юзасидан ўз қарашлари кераклидир. Президентимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик жамият қуришга аҳд қилган халқимиз ана шундай ҳур фикрларнинг манбаидир. Айрим одамлар оммавий ахборот воситаларининг асл моҳиятини ҳали тўла тасаввур қила олмайдилар. Яъни, унда берилган фикрни гап кетаётган масала юзасидан ҳукмдай қабул қиладилар. Аслида ОАВ умуммиллий минбар эканлиги маълум. Табиийки, унда холис, тўғри гаплар қаторида баҳсли мулоҳазалар ҳам янграши мумкин.

Хуллас, Ўзбекистоннинг тақдири шу ерда яшайдиган одамларнинг қўлидадир. Уни ташаббускор, ҳур фикрли, тўғрисўз, чин маънодаги ватанпарвар инсонларгина келгуси авлодга эсон-омон етказиши мумкин. Мустақилликнинг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислом Каримов шундай деган эдилар: "...оёқ қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб яшаши, тадбиркорлик, ташаббус, изланиш, ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш - ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини чуқур англаб олишимиз зарур".

**Рўзибой САИДОВ**

*Адвокат мустақиллик шарофатидан сўзлайди*

## ЁРУҒ ЮЗЛИ ЎЗБЕГИМ

Бу йил Ўзбекистон мустақиллигига ўн йил тўлади. Дунё ҳамжамиятида юртимиз овози мағрур жарангламоқда, нуфузи, обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Кечаги азобу уқубатлар бугун ортда қолди. Аммо озодликкача бўлган йўлда қатағонлар, ғанимларнинг босқинлари, ниқобли дўстларнинг хиёнатлари ҳали унутилгани йўқ.

Бундан ўн беш йил аввал собиқ СССР Прокуратурасининг Гдлян ва Иванов бошлиқ тергов гуруҳи «пахта иши», «ўзбеклар иши» ниқоби остида ўта аёвсизлик билан айбсиз айбдорларни қамашни бошлаб юборган эдилар.

Ўзбекистонда кенг қамровли тергов ишлари олиб бориш «ваколати»га эга бўлган Гдлян ва унинг шериклари оммавий қамаш усули билан халқни порахўрликда, коррупцияда ва бошқа оғир жиноятларда ноҳақ айбладилар. Улар айбланувчи ва гувоҳларни жисмоний ва маънавий азоблаш, «керакли» кўргазмаларни олиш учун мажбурлаш, шунингдек, айбланувчиларнинг кўплаб қариндош-уруғларини ғайриқонуний қамаш, иғво тарқатиб, тергов материалларини сохталаштириш билан машғул эдилар.

Хуллас, улар ғаразгўйлик, шуҳратпарастлик ва авантюристик мақсадларини амалга оширган эдилар. Ғайриқонуний олиб борилган терговлар натижасида ҳибсга олинган айбсиз кишилар ўзини- ўзи ва бошқаларни айблашга мажбур эдилар.

Тақдири, ор-номуси топталган минглаб одамларнинг нидолари ва аламли сўзлари остонадан нарига ўтмасдан, қонуний талаблари қоғозларда қолиб кетар эди. Уларнинг баъзилари ҳаётдан армон билан кўз юмдилар. Ана шундай адолатсизликларга барҳам бериш мақсадида ижтимоий адолатни қарор топтириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириғига асосан Олий Кенгашнинг «пахта иши» бўйича тузилган махсус комиссияси самарали иш бошлади.

Ўзбекистон Жумҳуриятининг етук қонуншунослари, молия, банк, статистика ва пахта саноати мутахассислари комиссия таркибида қилни қирқ ёриб иш олиб бордилар. Комиссиянинг самарали ишлари натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Судига тақдим этилган жиноят ишлар бўйича юзлаб кишилар оқланиб, қамоқ жойларидан озод қилиндилар.

Бундан ташқари Президентимиз 1991 йилнинг Наврўз байрами арафасида авф этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Мазкур Фармонга асосан жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир қилган кўпгина кишилар авф этилиб, жазодан озод қилиндилар.

Мен «пахта иши» деб номланган бир неча жиноят ишларининг тергови ва суд жараёнида адвокат сифатида қатнашиб, айбланувчи ва судланувчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилганман. 1991 йилнинг мартида «Ёруғ юзли ўзбегим» сарлавҳаси остида ўша вақтда «Совет Ўзбекистони» деб номланувчи рўзномада мақола чоп этилди. Ана шу рўзноманинг иккита сонида мен Раҳим Якубов иши юзасидан сўзлаган ҳимоя сўзим, шикоятларим ва илтимосномаларим қисқача босилган эди. Мен мазкур ҳужжатларда Якубов Раҳимнинг ҳаракатларида давлат мулкини ўзлаштириш аломатлари йўқлигини далиллар билан исботлаб бериш билан бирга, Якубов оғир қандли диабет билан касаллиги ва бошқа енгиллик берувчи ҳолатларини кўрсатиб, унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраганман. Бироқ улар оқибатсиз қолдирилган эди. Бу ишнинг тафсилотлари 1991 йилнинг март ойида чоп этилган рўзномада батафсил кўрсатилгани сабабли иш ҳолатларига тўхталмоқчи эмасман. Гарчи Якубов Раҳим ҳаётдан армон билан кўз юмиб, оқлаш ҳукмигача етиб келмаган бўлса-да, унинг қариндош-уруғлари бу адолатли ҳукмни кўзлари ёш ила мамнуният билан кутиб олдилар.

Юртбошимизнинг доно сиёсати, барча оғирликларни ўз зиммасига олиб, жабрдийдаларга ёрдам кўрсатгани оқибатида адолат қарор топиб, минглаб оилаларга қувонч ва шодлик бахшида этилди. Буларга мустақиллигимиз ва одил сиёсат шарофати билан эриша билдик. Буни рад этиб бўлмайди.

**Вафо ИБРОҲИМ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Хоразм вилояти**

## ЖАҲОЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

### ёки ҳуқуқий саводсизлик оқибатлари

Ҳа, турмуш чорраҳаларида, ҳатто одил судлов амалиётида фуқароларнинг ҳуқуқий саводсизлигининг салбий оқибатларини тез-тез учратиш мумкин.

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи, 1979 йилда туғилган, механика корхонаси ишчиси Хайрулло Умаров республикамизда ғайриқонуний бўлган «Ҳизбут таҳрир» диний экстремистик оқимнинг аъзоси бўлгани ҳолда аҳоли гуруҳлари ўртасида адоват ва нифоқ келтириб чиқариш мақсадида варақалар тарқатаётган вақтида қўлга тушган. У бу ишга маҳалладоши Мадаминжон Обидовни ҳам жалб этган.

Ҳар иккаласи диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ва тайинланган ҳокимият вакилларини четлатишга, республика ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқдан-очиқ даъват этувчи варақаларни тарқатиб келган. Бу икки гумроҳ Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний бўлган «Ҳизбут таҳрир» диний экстремистик оқимнинг жиноий уюшма ва қуролли гуруҳ сифатидаги фаолиятини таъминлашга ёрдам берган. Бу билан улар она-Ватанга, юртдошларига, уларнинг манфаатларига хиёнат қилган...

Арабжон Салимов деган кимса гиёҳвандликка ружу қўйганлардан экан. Бу ҳам етмагандек, Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан «героин» гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона пости назоратидан яшириб, контрабанда йўли билан қонунга хилоф равишда олиб ўтган. Уни олиб сотиш билан шуғулланган. У ҳам жиноят устида қўлга тушган.

Бу уччала жиноятчи ҳам қилмишларига яраша узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Аммо бир нарса мени қаттиқ ўйлантиради. Бу ёшлар қандай қилиб жаҳолат ботқоғига ботишди, она-Ватанга хиёнат сари қадам қўйишди?! Шуниси ачинарлики, бундай йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кирганлар ҳам оз эмас.

Назаримда жаҳолатнинг илдизи ҳуқуқий саводсизликдадир. Агар бу ёшлар қилмишларининг ҳуқуқий оқибатини, жазонинг даҳшатини билганларида шу йўлга киришармиди? Йўқ, асло!

Агар ёшларда ҳуқуқий савод етарли бўлиб, улар ўз мустақил фикрларига, ҳаётий эътиқодларига эга бўлганларида динни ниқоб қилиб олган ақидапарастларга қўшилиб, она каби муқаддас бўлган Ватанга хиёнат қилишармиди?

Шу боисдан ҳам Президентимизнинг ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш тўғрисидаги Фармони, Асосий қонун — Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши асосида амалга оширилаётган ишлар айни муддао бўлмоқда? Чунки кимки қонунни яхши билса, ўз ҳуқуқларини ҳам, бурчини ҳам яхши билади.

Назаримда ҳуқуқий тарбияда ҳар бир киши билан якка-ма-якка, яъни индивидуал шуғулланиш зарурга ўхшайди. Албатта, бу ишнинг услубий жиҳатларини ўйлаб кўриш лозим. Ана шундай йўл билан ҳам жаҳолатнинг илдизига болта уриб, ҳуқуқий саводсизликка барҳам беришимиз мумкин.

**Ғуломжон МЕЛИБОЕВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси**

ДАН вакили минбари

# ҚИЗИЛ ЧИРОҚ ОГОҲЛАНТИРАДИ

***- «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг тадбиқ этилганига бир йилдан ошди, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳаётий зарурат эди, - дейди Навоий вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдумуқим Жуманович НОРҚУЛОВ мухбиримиз билан суҳбатда.***



- Абдумуқим ака, ДАН тизими мустақил соҳа сифатида жамият — ҳаётимизга кириб келиши, хизмат турларига бўлиниб, ходимлар тайёрлашдан то Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги Қонуни қабул қилингунича ўтган давр ДАНнинг тарихи — босиб ўтган йўли ҳисобланади. Албатта, бу йўл осон кечмаган... Бугун мустақиллик боис ДАНнинг фаолиятида туб ўзгаришлар, ҳар томонлама янгиланиш даври бошланди, хизмат доираси кенгайди. Бу борада Навоий вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Қабул қилинган Қонуннинг моҳият-эътибори, мақсади ҳақида: ***«Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган»*** деб алоҳида таъкидланади. Қонун билан мустаҳкамланган, ҳимояланган йўл ҳаракати хавфсизлиги ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мустақиллик шарофати ила биз — ДАНчилар фаолиятида туб ўзгаришлар даври бошланди. Ушбу ислоҳотлар Қонунда белгиланганидек, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва бизнинг ваколатларимиз аниқ кўрсатилади.

Яқин кунларгача кўплар ҳаракат хавфсизлиги ойликларини вақтинчалик тадбир деб тушунарди. Буни мавсумий деб билганлар ДАН ходимларининг ҳақли талабларини ҳамиша ҳам тўғри англамасдилар. Бугун қувонч билан айтиш мумкинки, тизимимизда ислоҳотлар даври қизғин амалга оширилаяпти.

Ҳар бир фуқаро йўл, ҳаракат, хавфсизлик каби тушунчаларни ўз фаолиятидан айри кўрмаслиги, уларга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлмаслиги керак. Каттами, кичикми, кўпчилик машина минишни, уни бошқаришни хоҳлайди. Аммо тўрт ғилдиракда ҳаракатланадиган бу «темир от» барча ҳавас қилгудек даражада осон юравермайди. Унга кўнгил қўйиб, яхши ниятда харид қилганларнинг орзулари бир пасда чил-чил синиши ҳам мумкин.

Иш фаолиятимиздаги натижалар (жиноятчиликка қарши кураш, уларнинг олдини олиш, ноқонуний ташилаётган товар-моддий бойликларимизни аниқлаш)га тўхталишдан олдин айрим мулоҳазаларни айтсам. Йўл ҳодисалари: турли фалокат, хатолар, қоидабузарликлар маънавияти қашшоқ — зўрига ёки зарига ишонган ношукурларнинг айби билан юз бераётган фожиалар... булар бари ўрганса, таҳлил қилса, ёзса арзийдиган мавзулар. Эрталаб уйидан яхши ниятда машина миниб чиққан ҳар бир киши (ҳайдовчи), аввало, барчани ўзига тенг билиб, йўлда, ҳаракатланишда, ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида бир-бирини ранжитмаслиги лозим. Баъзан шундай ҳолга дуч келасан: бу, машинасининг маркаси, номерига таяниб, йўналишларда ўзгани менсимаслик, ҳатто, ДАН ходими билан ҳам ҳисоблашмаслик, қонун устуворлигига путур етказиш, тўсиқ бўлиш. Бу нима дегани? Айтайлик, эскироқ бир «Мерседесс» машинасини миниб бораётган биродаримиз ёки укамиз гўё у минган машина оламда йўқдек, баъзан истаганича йўл ҳаракати қоидасини бузиб, атрофидаги «майда-чуйда, шалдироқ арава»ларга йўл бермай ёки огоҳлантирувчи қизил чироққа парво қилмай, «ўзининг кимлигини кўрсатади». Уларни тўхтатишса, ДАН ходими билан жанжаллашиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолни четдан кузатиб турганларга қандай таъсир этиши ҳақида бир ўйланг... Шундай пайтда истасанг-истамасанг, бошқа ҳайдовчилар қонун фақат менга тегишлими, деб ўйламайдими? Ёшлар-чи? Майли, бундайлар бир марта, бир кун ёки вақт-соати етгунча қонунга чап беришлари, зўрликка таянишлари мумкин. Лекин ишонаманки, бундайлар аввало, оддий инсонгарчиликдан йироқ, фалокат етаклаб, ҳалокат бошловчиларни, албатта, ҳаммага бирдай тегишли бўлган йўл ҳақи, йўл қоидаси, йўл адолати жазолайди.

Баъзан ўйлаб қоласан (айниқса, ўлим юз берганда): нега йўл ҳаракати қоидалари кетма-кет бузилаверади? Ахир, ҳайдовчи билмайдимики, унинг хатоси ўзидек бошқа ҳайдовчи, йўловчи, пиёдаларнинг ҳаёти — тириклиги билан боғлиқ. Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси камида тан жароҳати, ўлим ёки иқтисодий зарарга бориб тақалади. Биргина оила бошлиғининг ёки оила аъзоларидан бирининг автоҳалокатга учрашининг иқтисодий, маънавий зарарини ҳисоблашга тил ожизлик қилади...

Энди фаолиятимиз ҳақида. Вилоят ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари иштирокида ўтган йили 434 та жиноят, шундан бевосита ДАН ходимлари томонидан эса 74 та жиноят фош этилди. Булардан 72 таси гиёҳванд моддаларни яширинча транспорт воситаларида ташишга уриниш ҳолатлари эди. Гиёҳвандлик моддаларини яширинча ташишнинг турли ҳоллари аниқланиб, фуқаролардан жами 19 кг 174 грамм гиёҳванд модда тортиб олинди. Яқинда ходимларимиз томонидан Хатирчи тумани Лангар қўрғонида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х.Бобомирзаевнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда, 1 кг 475 грамм наша топилди. Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Йил давомида (2000 йил) ДАН ходимлари томонидан 249 та ҳолатда 25 миллион 918872 сўмлик ноқонуний ташилаётган товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. 2 миллион 985587 сўмлик маҳсулот ноқонуний равишда мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш пайтида ушлаб қолинди. Бундай факт 107 ҳолатда юз берди. Натижада тегишли идоралар томонидан ушланган товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилиниб, жами аниқланган 249 та ҳолатдан 200 таси маъмурий тартибда кўриб чиқилди ва ҳуқуқбузар фуқаролардан 1 миллион 929700 сўм миқдорида жарима ундирилди. Қолган 47 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, 2 та ҳолат бўйича эса дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Яна айтиш жоизки, вилоятимиз ҳудудида умумфойдаланишда бўлган 4534 км узунликдаги автомобил йўлларининг ҳолатини яхшилаш, йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини ташкил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида йил давомида ўнлаб тадбирлар ўтказдик. Жумладан, «Ҳушёрлик», «Қорадори-2000», «Тун», «Диққат, болалар!», «Қиш», «Ғалла-2000» каби тадбирларимиз самарали ўтди. Йўналишларда олиб борилган тадбирларда йўл-патрул хизмати инспекторлари — капитан Акмал Жумаев, кичик лейтенант Рашид Нурназаров, старшина Ўктам Оқбоев, сержант Умид Диёров, кичик сержант Акрам Ўтаназаров каби ходимларимизнинг ҳушёрлиги, қатъийлигини алоҳида айтмоқчиман. Хизматни ўташ жараёнида жонбозлик кўрсатган 36 нафар ходим пул мукофоти, ташаккурнома ҳамда муддатидан олдин унвон бериш билан рағбатлантирилди.

Хуллас, бугунги мулоҳазаларимизга якун ясаб айтмоқчиманки, ДАНнинг фаолияти янгича мазмун билан бойиб, бу жараён тезлашди. Турмуш тарзимизда, режаларимизда ДАНнинг фаол аралашуви, иштироки ошиб бораяпти, яъни биз — фуқаролар яшаш тарзимизда ДАНдан йироқлашмай, аксинча, унга яқинлашиб бораяпмиз.

**Суҳбатдош:**
**Ражаббой РАУПОВ,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

Алҳазар!

# ТАЪМА ТУЗОҒИ

***Бултур Хоразм вилоят прокуратураси, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар бошқармаси ходимларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли бир неча порахўрлик жиноятлари фош этилди. Ўз нафсига қул бўлиб ана шундай қабиҳ жиноятга қўл урганлар орасида Урганч гидромелиорация техникумининг собиқ директори Сафарбой Ҳусаинов ҳам борлигини билиб, уни таниган, кўрган-билганлар, айниқса, талабалар «алҳазар» дея ёқаларини ушладилар.***

Порахўрлик илдизлари минг йилларга бориб тақаладиган жирканч жиноят эканлигидан далолат берувчи ривоятлар азалдан тилдан-тилга, элдан-элга кўчиб юрибди. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) ўзининг рақиби Доро атрофидагиларни макрҳийла ва пора билан ўз томонига оғдириб олганлиги «Тарихи Табарий» китобидан маълум. Натижада ёвуз ёв инъомини олган мулозимлар ўз подшоҳига хиёнат қилишади. Унинг қони билан қўлларини бўяшади. Аммо бу хиёнатчилар ҳам адолатли жазодан қочиб қутулолмайдилар. Ғолиб шоҳ «Мен Дорони ўлдирсаларинг совға бераман деганим рост, лекин сизларни маҳв қилмайман деб ваъда бермаганман» дея қотилларнинг калласини олдиради.

Катта жамоага бош бўлган Сафарбой Ҳусаинов ҳам таъма тузоғига илиниб, ўзининг қавмига хиёнат қилди, қонун юзига оёқ босди. У раҳбарлик курсисига ўтирар экан, билим юртига ўқишга кирувчиларга, қўл остидаги ходимларга таъма кўзини тикди.

- Домла, келиним Нафосат тест синовларидан етарли балл тўплай олмади, уни қонуний асосларда тўлов-контракт йўли билан техникумнинг сиртқи бўлимига қабул қилсангиз, - деди бир куни билим масканида бўлим мудири бўлиб ишловчи Нигора Отабоева директор ҳузурига кириб.

- Айни муддао, ёшлар ўқисин, ўргансин, юртимизга ҳисоб-китобни ўрнига қўядиган кадрлар керак, - деди мулойим оҳангда директор. Аммо... - чайналди у, гўё чандир чайнаётган одамдай.

- Тортинмай айтаверинг, домла, хизмат-пизмат бўлса...

- Ҳалиги айтганимдай, ҳисоб-китобни аввало биз ўзимиз ўрнига қўйишимиз керак, - деди директор дангал. - Битта юзталик кўкидан бўлса бас, келинпошша бухгалтер бўлди, деяверинг. Чунки бу ишни Тошкентга бориб битказиб келаман. Чиқиндиси (сарф-харажати) бор.

- Келинимнинг оиласи сал ночорроқ эди, жабр бўлмасмикин, домла?

- Юз доллар дедимми, юз бўлсин, бўлмаса ана катта кўча, - дея чўрт кесди директор.

Нигора директор хонасидан маҳзун қиёфада чиқди. У икки ўт ўртасида қолганди. Бир томонда ўзининг раҳбари, отаси тенги одам таъмагирлик қилаяпти, айтганини бермаса ишининг битиши мушкул. Директор ҳар кўрганда пулни топдингми, дея тиқилинч қилади. Бир томони пора бериш жиноят эканини Нигора яхши билади. Бунинг устига келиннинг оиласи аҳволи ҳаминқадар.

Директор ваъда қилинган пулни сўрайвериб, бўлим мудирини жонидан тўйдирди. Пичоқ бориб суякка қадалгач, Нигора Отабоева директорнинг таъмагирлик қилаётганлиги тўғрисида вилоят прокуратурасига ариза берди. Сафарбой Ҳусаинов ўз хизмат хонасида ундан 60.000 сўм пулни пора тариқасида олаётган пайтда жиноят устида тумшуғидан илинди.

Дарвоқе, бу кимсанинг шу даргоҳда ишловчиларга нисбатан таъмагирлигининг биринчиси эмас экан. У илгарироқ техникумнинг услубиётчи-ўқитувчиси Муяссар Қодированинг Феруза исмли қизни сиртқи бухгалтерия бўлимига тайёрлаб юрганидан хабар топиб, «агар бу абитуриентнинг ота-онаси пул берадиган бўлса, шу пулни менга берасиз», деб қатъий талаб қилган. Феруза тест имтиҳонларидан етарли балл тўплагандан кейин унинг учун 10.000 сўм пулни пора тариқасида олиб, талабанинг грант асосида қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқарган.

Илгарилари кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, Урганч Давлат Университети ва Урганч гидромелиорация техникуми талабаларига эзгулик, ҳалоллик, поклик тўғрисида маърузалар ўқиган, сабоқ бериб келган, аммо ўзининг айтганларига ҳам, ўгитларига ҳам амал қилмаган директор-домла эндиликда кўп йиллар мобайнида панжара ортидаги ҳаёт билан атрофлича танишадиган бўлди.

**Эркин ХЎЖАЕВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси**





*Самарқанд вилояти Жомбой туман «Жомбой нефт базаси»да етарли нефт маҳсулотлари заҳираси мавжуд.*

*Шу кунларда хўжалик ва корхоналар билан нефт маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисида тузилган ўтган йилги шартномаларнинг амалда бажарилиши аудиторлик назоратидан ўтказилаяпти.*

*Бу ерда ишчи-хизматчилар учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. База қошида 50 ўринли ошхона ишлаб турибди.*

**Суратларда: жамғарма бўлими бошлиғи Фурқат Раҳимов (ўртада) Саидолим Эгамназаров ва Шавкат Қурбоновлар билан. Базанинг умумий кўриниши.**

Мавзу — ёшлар тарбияси

# ЮТУҚЛАР БИСЁР, АММО...

***Ёшлар тарбиясини тўғри йўналтириш ва уюштиришда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг роли ва ўрни беқиёс эканлигини республикамиз ҳукуматининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилган қарори яққол ифода этди. Буни Хоразм вилоятида таркиб топган комиссиянинг ўтган йилги иш якунлари ва оналар ҳамда болалар йили вазифаларига бағишлаб, Урганчда ўтказилган йиғилиш қатнашчилари якдил таъкидладилар. Ушбу кенгайтирилган йиғилишда ҳокимликлар, халқ таълими, тиббиёт муассасалари, фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.***

Вояга етмаганлар ишлари комиссиялари гарчи ташкилий тадбирлар билан шуғулланса-да, ҳуқуқий-маърифий масалалар, жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши кураш муаммолари шу куннинг асосий юмушига айланган. Йиғилишда ҳисобот маърузаси билан чиққан комиссия раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Исмоилов ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари О.Ёқубов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Й.Бобожоновлар бу борада қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар хусусида кенг тўхталдилар.

Мамлакатимизда ёш авлодни давр руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш соҳасида қулай имконият, зарур муҳит юзага келганлиги алоҳида таъкидланди. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори истиқболимиз эгалари тарбиясини намунали уюштиришнинг муҳим ҳуқуқий манбаи ҳисобланади. Эртанги кунимизни ёш авлодга инониб топшириш учун астойдил жон куйдирилаётган жойда ютуқлар албатта бисёр, дейишди сўзга чиққан вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Д.Исроилов, Урганч шаҳар ҳокими В.Юсупов, вилоят «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси Л.Асқаровлар. Воҳадаги аксарият таълим-тарбия муассасаларининг ёшларни камолга етказиш соҳасидаги қатор ибратли ишлари, тўплаган тажрибалари эндиликда бутун мамлакатга маълум. Ютуқларни тағинда мустаҳкамламоқ учун таълим-тарбия муассасаларининг моддий таъминотини яхшиламоқ, дарслик ва қўлланмаларга бўлган эҳтиёжни тўла қондирмоқ, ота-оналар қўмиталари фаолиятини янада кучайтирмоқ талаб этилади. Вояга етмаганлар ўртасида учраётган турли хасталикларга қарши кураш масаласи алоҳида диққат-эътиборни сўрамоқда. Аммо масаланинг масаласи қонуннинг ёшлар томонидан бузилаётганидир, дейишди нотиқлар. Афсуски, бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар замон талаблари даражасида эмас. Ички ишлар идораларида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи нозирлар аксар ҳолларда милициянинг бошқа ишларига жалб қилиниши учрайди. Бу уларни асосий вазифалардан чалғитаяпти.

Йиғинда ёшлар тарбияси соҳасида тўпланган барча ибратли тажрибалар, ижобий ишларни кенг оммалаштириш, ҳукм сураётган нохушликларни эса изчил тугатиш юзасидан аниқ-равшан таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди, уларни амалга ошириш йўл-йўриқлари келишиб олинди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



**СУРАТДА:** (чапдан) Нуриддин Бобохонов ***(ушбу саҳифадаги «Қинғирликлар пайи қирқилди» мақоласи муаллифи)*** ҳамкасби Аъзам Батуров билан навбатдаги ишлар юзасидан суҳбатлашмоқда.

Милиция минбари

# ҚИНҒИРЛИКЛАР ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Қонунга беписанд қараш одатда шахснинг жиноят йўлига тушиб кетишига сабаб бўлади. Оқибат эса фақат унга йўл қўйган кишининг фожиаси билан якун топмайди, балки жамиятга маънавий, моддий зарар етказади. Сирдарё вилояти "Гулистон" пахта тозалаш корхонасида содир этилган бир воқеа фикримизнинг далили бўлади деб ўйлайман. Бу "иш"нинг бошида корхона раҳбари, 1964 йили туғилган Ҳамза Норбоев турган. Эндиликда "собиқ"қа айланган бу раҳбар бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, 85 тонна пахта толасини қалбаки ҳужжатлар билан чиқим қилиб, камомадни яширмоқчи бўлган. Чиқим қилинган бу толани пулга чаққанда сал кам беш миллион сўм бўлади. Ёки Меҳнатобод туманидаги Э.Қаҳҳоров ДФХБ бўлим бошқарувчиси Нормат Валиев пахта экилиши керак бўлган 3 гектар ер майдонини полизга бериш эвазига 100 минг сўм пора олганда ушланди. Мирзаобод тумани Оқ олтин хўжалиги ҳисобчиси И. Холматов хўжалик тассаруфидаги дала шийпонни хусусийлаштириб бериш баҳонасида 70000 сўм пора олганида ушланди, улар қонун олдида жавоб бердилар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтироверишш мумкин.

Ўз хизмат вазифасини суиъистемол қилган кимсалар ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай кирдикорлардан тоймасликлари юқоридаги фактлардан очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бошқармамиз томонидан ўтган йил ичида 170 га яқин ана шундай фактлар аниқланиб, қонунга хилоф иш тутганлар устидан жиноят ишлари очилди. Бундай ғайриқонуний ҳаракатлар орасида порахўрлик, талон-тарожлик, молиявий фирибгарлик, валюта қоидасини бузишдан тортиб сохта пул ўтказишгача бўлган қинғирликлар бор.

Республикамиздан ташқарига товар-моддий бойликларнинг ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга оширдик. Бундайлардан 107200 килограмм минерал ўғит, 28380 литр ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари, 75 тонна метал мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилди ҳамда 285 нафар шахсга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб жами 19 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари мусодара қилинди.

Ўз нафсининг қуллари бўлган манфаатпараст кимсалар мақсадларига эришиш йўлида ўғирликнинг турли хил усулларини ихтиро қилишга устаси фаранг бўлиб кетишган. Қўшни Қозоғистон Республикаси Махтаарал туманилик С. Алибеков Оқ олтин туманидаги Фарғона деҳқон-фермер хўжалиги майдонларида етиштирилган 500 килограмм пахтани Абай канали орқали олиб ўтиш учун автоулов шиналаридан махсус қайиқ ясаб олган. Худди шу усулда Махтаарал тумани Абай жамоа хўжалигида яшовчи А. Аширбоев ҳам фойдаланиб, Оқолтин тумани Андижон ширкатлар уюшмасида терилган 480 килограмм пахтани ўмармоқчи бўлган. Бу чапдастларнинг ҳар иккаласи ҳам жиноят устида қўлга олинди.

Умуман, пахта хом ашёсини республикамиздан ташқарига ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилиши холатлари бўйича жиноий иш қўзғатилди, айбдорлардан 15809 килограмм пахта хом ашёси мусодара қилиниб, ҳуқуқбузарларга 481400 сўм миқдорда жарима солинди. Бундай ҳолатлар беихтиёр "Текин томоқнинг таъми бошқа, еганларнинг боши қашқа" деган халқ мақолини эсга солади.

Огоҳлик, ҳушёрлик — бошқармамиз ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Мамлакатда иқтисодий жиноятчиликка ва коррупцияга қарши курашни такомиллаштиришга қаратилган барча чора-тадбирларни биз ўз хизмат вазифамизда дастурил амал деб билиб, республикамиз иқтисодиётига зарар етказилишининг олдини олиш, айниқса, қишлоқ хўжалигининг мавжуд нуқсонлари, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликлари, порахўрликларнинг пайини қирқишга муваффақ бўляпмиз, ходимимиз қонунбузарлик ва уюшган жиноятчиликларга қарши курашда жонбозлик ва фидойилик кўрсатмоқда. Она-Ватанимизнинг фаровонлиги, бойликларимизнинг дахлсизлиги биз учун олий мақсаддир. Зеро, ватанпарварлик нафақат кишининг ўз юртига меҳри, балки ўзини у билан бир бутунликда ҳис қилишда, унинг бойлигини, тинчлигини ўз бойлиги ва тинчлиги деб билишда ҳамда шу олийжаноб туйғу билан харакат қилишда ҳам кўринади.

**Нуриддин БОБОХОНОВ,**
**Сирдарё вилоят ИИБ Коррупция рекет ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи**

Нотариус ҳаётимизда

# ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИЙДАН ТАШҚАРИМИ?

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ортиб бораётганлигини нотариал ҳаракатлар сонининг ўсиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Биргина бизнинг туманимиз мисолида олиб кўрадиган бўлсак, ўтган йил давомида жами 3581 та нотариал ҳаракат амалга оширилган ва натижада хазинага 11 миллион 342 минг сўм давлат божи келиб тушган. 195 та мерос иши расмийлаштирилган, 33та мулкга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар берилган.

Уй-жой, автоматика олди-соттиси, васиятномалар, ваколатномаларни расмийлаштириш учун фуқоролар энг аввало нотариал идораларга мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Айниқса, васиятномаларни айтмайсизми?! Уларни расмийлаштириш учун қилинадиган нотариал ҳаракатлар сони кескин ортган. Шунингдек, кўчмас мулкни тасарруф қилиш, меросни расмийлаштириш кабилар фуқоролар ҳуқуқий онги ортиб бораётганлигидан далолатдир. Тўғриси, васиятномаларни расмийлаштириш учун нотариал идорага келиш авваллари отахону-онахонлар учун бироз ноқулай, бироз кулгили эди. «Кўзим тиригида меросни хал қилиб қўяқолай, қонун асосида», деб кулиб кириб келишадиган бўлиб қолишди.

Тўғрида, ахир ота-онасининг вафотидан сўнг мерос талашиб, қирпичоқ бўлаётганлар, судма-суд судрашиб юрганлар озми? Яқинда ана шундай юзтубдан кетган оиланинг мулк ишини кўришга тўғри келди.

Отасининг ўлимидан сўнг нобакор, оқибатсиз ўғил ўз онаси билан уй-жой талаша бошлаган. Бу жанжаллардан безиган, сал бўлмаса кўчада қолай деган она ўз ўғлини оқ қилиш даражасига етган. Улар нотариал идорага келишгач, қонун асосида яъни Фуқоролик кодексининг тегишли моддалари асосида мулк меросхўрларга қонуний бўлиб берилди. Бечора онанинг қувонч ёшларини кўрсангиз эди. Ҳа, қонунларимиз ҳеч кимга, хатто ўз ўғли томонидан онасига нисбатан ҳам ноқонуний ҳатти-ҳаракат қилиб, уни мулкка бўлган қонуний ҳуқуқидан маҳрум қилишга, қўпол қилиб айтганда кўчага чиқариб қўйишига йўл қўймайди.

Шу ўринда бир гап. Мерос, ворислик бўйича фуқароларнинг яшаш жойидан бериладиган маълумотлардан раҳбарларнинг лоқайдлиги, бепарволиги оқибатида меросхўрларни яшириб қолиш ёки тўла кўрсатмаслик оқибатида қийинчилик келиб чиқмоқда, меросни расмийлаштиришда низо келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Агар ўша маълумотларда меросхўрлар тўғри кўрсатилса иш судга етиб бормай нотариал идорада ҳал бўлади.

Мерос бўлишда фуқаролар ўртасида яна бир тушунмовчилик бор. Улар турмушга чиқиб, бола-чақали, уй-жойли бўлиб кетган қизлар ота-онасидан қолган меросга, масалан, уй-жойга, чиққан қиз чийдан ташқари деган халқ мақолини рўкач қилишиб, даъвогар, ҳақдор эмас деб ҳисоблашади.

Биз, йуқ, чиққан қиз чийдан ташқари эмас, улар меросда улушга эга, деб қонунни, Фуқоролик Кодексининг 1135-моддаси бўйича берилган навбатдаги ворисларни тушунтиришимизга тўғри келяпти.

**Дилрабо ЭЛМУРОДОВА,**
**Андижон туман давлат нотариал идорасининг катта нотариуси**

*Орамиздаги одамлар*

# ҲАКАМ АЛИЖОН ЖЎРАЕВ

Ҳар қандай инсонда ёқимли ва айни пайтда ҳатто ўзигаям ёқмайдиган хислатлар бўлади. Баъзи инсонлар учрайдики, уларни кўкларга кўтариб мақтагинг келади. Яхши хислатларини, ишларини ошириб-тошириб кўрсатишга уринасан, камчиликларини эса ана шу ижобий тарафлари тоши босиб кетади. Бундайлар одатда ўзининг самимийлиги, соддалиги ва инсоний фазилатлари билан ажралиб туради, мақтовларга муҳтож ҳам эмас. Шундай инсонлардан бири - сирдаёлик судья Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Алижон Отақулович Жўраевдир.



Алижон Отақулович негадир «ҳакам» сўзини қўллашни яхши кўради. Аслида «судья» сўзи қўлланса-да, замон тақозосига кўра ҳакамлик вазифасини бажаряпти, дейди у. Ўтмишда, йиллар давомида одамлар онгига «суд», «судья» сўзлари жазоловчи, қораловчи, ҳукм чиқарувчи сифатида сингиб кетган. Агар мазмун-моҳиятни олиб қарайдиган бўлсак, судья яъни ҳакам икки томон ўртасидаги бетараф шахс. Биров жавобгар, бошқаси даъвогар, уларнинг баҳсини якунлаб, ҳар кимга тегишли улушини (эҳтимол жазосини) ажратиб борувчи бўлади. У давлат манфаатини ҳимояловчи ёки қонун талаблари нуқтаи назаридан туриб баҳсга хулоса ясовчи сифатида ўртадаги шахс-ҳакамлигича қолаверади.

Мана, спортда судьяни кўпинча «ҳакам» деб номлашмоқда. Аслида у азалий тушунча бўйича ҳақиқий судья. У ҳеч бир томоннинг эътирози ёки даъвосини тингламайди, қабул қилмайди. Унинг сўзи-сўз, ҳукми баҳс туганча муҳокама қилинмайди. Судья эса бошқа, кўпинча икки томонни, баъзан учинчи томонни тинглашга ва фикрини ҳисобга олишга тўғри келади. Яъни, даъвогар, жавобгар ва қонун. Уччаласи ўртасида ҳакамлик қилмай иложи йўқ. Албатта, мезон битта, бу қонун. Ҳакам даъво қрнунга қанчалик мос, жавобгар қонунни қай даражада бузиб ўтганлигини белгилаб бериши керак. Шу боисдан «ҳакам» сўзининг маъносини холис ажримчи, ҳақиқатни белгилаб берувчи деб тушунса бўлади.

Гулистонда туғилиб-ўсган Алижон Жўраевни шаҳарда танимайдиган одам кам. Маҳалласида-ку катта-кичик ҳурмат қилади. Уни одамлар орасида кўп кўришади. Тўй-маърака-ю, маслаҳатлардан ўзини четга олмайди. Кўпинча пиёда юради, салом берган одам билан хушмуомала сўрашади, ширин суханини аямайди. Хотираси ўта кучли. Бир курган одамини йиллар ўтса-да, дарҳол таниб олади. У 1961 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Сўнг уч йил Бухоро вилоятининг Ромитан, Вобкент туман прокуратураларида терговчи, кейин кўп йиллар Сирдарё вилоят хўжаликлараро қурилиш трестида юрист-маслаҳатчи бўлиб хизмат қилган, тажриба орттирган. Шу боис кейинчалик Янгиер тумани ва шаҳри, Хиззах шаҳри суди раиси, Сирдарё ижроия қўмитасида юридик бўлим мудири вазифаларига тайинланди. 1992 йилдан бошлаб Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судьяси эди. Бу ерда 1999 йилда Репсубликада хизмат кўрсатган юрист унвони соҳиби бўлди.

- Судья инсонга ҳам, қонунга ҳам самимий бўлиши керак, - дейди у. - Бу ишда ялтоқлик кетмайди.

Дарҳақиқат, Жўраевлар хонадонини ҳуқуқшунослар сулоласи деса бўлади. Алижоннинг акаси Раҳимжон Тошкент шаҳар прокуратурасида, укаси Обиджон Ташқи ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилишади. Уч фарзанди — Дилбар, Улуғбек, Баҳодирлар ҳам ҳуқуқ, қонунчилик соҳаси билан боғлиқ хизматларда. Кенжа ўғли Жаҳонгир талаба, ҳуқуқшунослик сирларини ўрганаяпти. Алижон ака умр йўлдоши Санобар ая билан еттита фарзандни вояга етказди, бугун улар 8 нафар неваранинг бобоси ва бувисидирлар.

Халқда нима эксанг, шуни ўрасан, деган нақл бор. Алижон Жўраев ҳаётга ана шундай назар билан боқиб яшайди. Унинг ҳаётда топгани яхши ном, халқ ўртасида орттирган ҳурмат-эътибор, иззат-икромдир. У аллақачон устоз даражасига кўтарилган. Кўплаб шогирдларни тарбиялаб, оёққа қўйганлардан. Яқинда Алижон ака суд ҳокимиятининг янги жабҳаси, фуқаролик ишлари бўйича судья лавозимига тайинланди. Бу ҳам давомли, юксак ишонч белгиси.

**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**Қаюм ТОЖИБОЕВ,**
**журналистлар**

*Навоийхонлик давом этади*

# ТУГАНМАС МЕРОС

Абдураҳмон Жомий шундай ёзадилар: «Навоий туркийда қалам тебратиб, туркий замонга яна жон ато этди. Агар у форсийда ёзганида бу тилда ёзадиган бошқа шоир қолмас эди...».

Ушбу таърифга бошқа сўз қўшолмаймиз. Ҳақиқатан ҳам шоир даҳоси беш ярим асрдан буён маънавий оламимизни ёритиб, ўзига чорлаб келмоқда. Бебаҳо ва ўлмас асарлари билан жаҳон адабиёти ва маданияти хазинасини бойитган шеърият султони ўзбек тилининг асосчиси ҳамдир, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган мўътабар зотдир.

Айни кунларда беназир шоир таваллудининг 560 йиллиги катта тантана қилинмоқда. Шу муносабат билан жойларда кўплаб учрашув ва тадбирлар ўтказилиб, буюк сиймога юксак эҳтиром кўрсатилаяпти. Куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган «Ғазал мулкининг султони» мавзусидаги маънавий-маърифий анжуман ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Институтнинг Маънавият ва маърифат бўлими ҳамда Юнусобод тумани ҳокимлигининг Маънавият ва маърифат Маркази ҳамкорликда уюштирган ушбу анжуман ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Дастлабки сўз институт ректори, юридик фанлар доктори, профессор Ҳалимбой Бобоевга берилди.

- Менинг илмий фаолиятим улуғ шоир ижоди билан боғлиқлигидан фахрланаман, - деди у. - Бу ижод менга ҳамиша мадад ва қанот бўлиб келди. Кимки Навоийдан ўрганса, у эзгулик ошноси бўлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Лазиз Қаюмов «Алишер Навоий ижодида инсонпарварлик ғоялари» ҳақида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

- Навоий шеъриятини ўқиганимизда доимо янги саволларга дуч келаверамиз. Бу саволларнинг барчасига шоирнинг ўзи осонгина ва санъаткорона жавоб беради. У бизни одамийликка, комилликка ўргатади. Комиллик эса илму маърифатли, хуш одобли бўлиш деганидир.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймон билан уюшманинг поэзия бўлими раҳбари, шоир Турсунбой Адашбоевлар буюк шоирнинг бебаҳо меросини тўла ўрганиш, уни тарғибот қилиш хусусида батафсил гапирдилар. Сўнгра навоийхонлик мушоирасини бошлаб берган икки шоир бетакрор қалам соҳибига бўлган ўз эҳтиромларини дилбар шеърлари орқали намойиш этишди.

Юртбошимиз И.Каримов «Ўзлигимизни билиш учун Навоий қолдирган туганмас мероснинг маъно-моҳиятига чуқур етишимиз керак» дея уқтирган эдилар. Дарҳақиқат, Навоийни англаш ва тушуниш орқали юксак бахтга мушарраф бўламиз.

Тадбир сўнгида таъкидланганидек, бундай бахтга эришиш йўли Навоийни ўқиш ва уқишдан бошланади.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
**ТДЮИ «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси ўқитувчиси**

***Ҳисор тизма тоғларининг этагида жойлашган Лангар Ота қишлоғидаги Алишер Навоий номли мактабнинг тарих музейида бир ноёб топилма бор. Бу баъзи жиҳатлари билан нард ўйинига ўхшаб кетадиган «арши аъло» деб номланган шоҳмот нусха ўйиннинг қаттиқ картон қоғозга чизиб ёпиштирилган жуда қадимги нусхасидир.***



**СУРАТДА: Ҳамза номли театрда сахналаштирилган «Навоий» спектаклидан кўриниш.**

# «ҲАР НЕ ИСТАРСЕН, ЎЗИНГДАН ИСТАГИЛ»

## «Лисон ут-тайр» мутолааси

> ***Ўз вужудингга тафаккур айлагил,***
> ***Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил.***
> ***Алишер НАВОИЙ***

Бу ўйин тахтаси шундай маҳорат билан ишланганки, унда ўйинни бошлаганинг ҳамон ўзинг, ҳаётинг, умринг давомида йўл қўйган хатоларинг тўғрисида ўйлаб қоласан. «Арши аъло» ўйинида даврада қанча киши ўтирган бўлса, ҳаммаси ҳаммаси қатнашиши мумкин. 6 қиррали ёғоч «тошча»га 1 дан 6 гача рақам битилган. «Гардкам» деб ташланган тошча қайси рақамга тушса, ўша рақам орқали ҳар томони ўн катакли майдондан юқорига қараб, яъни Арши аълога қараб силжиб борилаверилади. Ҳар бир катакда инсон томонидан қилинадиган савоб ва гуноҳ ишлар, камолот ва разолат пиллапояларининг номлари ёзиб қўйилган. «Яхшилик» тарафда юқорига кўтариладиган нарвонлар, «ёмонлик» катагида эса оғзини очиб турган катта ва кичик илонлар тасвири чизилган. Агар омадингиз келмай, рақамингиз илон оғзи чизилган катакка тушса, унда аждарҳога «ютилиб», энг пастки катакка тушиб қоласиз ва ўйинни бошқатдан бошлашингизга тўғри келади. Аршга яқин жойда эса синов жабридан эсон-омон ўтганларни қўллаб юборадиган малойиклар, фаришталар, пайғом аҳлининг ҳам катаклари бор. Бу ўйин ўтмишда одамларни гуноҳ ишларни қилмасликка, ҳар доим яхшилик уруғини сепишга, энг муҳими, ўзлигини англашга даъват этувчи ўйин сифатида машҳур бўлган.

Ҳар сафар Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») достонини мутолаа қилганимда ана шу табаррук ўйин — «Арши аъло» ёдимга тушади. Болалар оламига энг яқини қушлар олами эканлиги кўпчиликка аён. 9-10 ёшларида Алишер Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» китоби билан танишиб қолиб, уни ўзгача меҳр билан ёд олади ва бир умр дилида сақлайди. Достондаги илоҳий садо шоир тириклигида уни ҳеч қачон тарк этмайди. Зеро, Навоий таржимаи ҳолининг ўзи ҳам, достондаги каби кечмиш машаққатининг беаёв саҳроларидан ўта олишга, беш кунлик дунёнинг ширин алдоқларига берилмаган, барча нафсларига ҳукмронлик қила олган, алал оқибат ўзликни англашга эришиш ва Ҳақ васлига етишиш даражасига муяссар бўлган авлиёсифат инсон умрининг ибрати дейиш мумкин. Худди шоир топиб айтгани каби

***Эл нетиб топкай мениким,***
***Мен ўзимни топмасам.***

«Лисон ут-тайр»да воқеалар гарчи қушлар тилидан ҳикоя қилинган бўлса-да, достон зарбулмасал эмас. У мазмун-мундарижасига кўра фалсафий достон, безабонлар тилидан сўзланган ҳикматли ҳадис. Навоийнинг ўзи қайта-қайта таъкидлаганидек, Шайх Аттор қутисидан олинган ва ўзликка эришиш учун зарур бўлган ҳикматлар таржимаси, шарҳи. Навоийшунослар достоннинг мухтасар мазмунини қуйидагича баён этишади.

Бир куни ўрмон, сув, саҳро ва тоғ қушлари жам бўлиб базм қуришади. Базмда тартибсизлик юз беради. Ҳамма ўз ўрнида эмас, аралаш-қуралаш ўтиради. Олақарға тўтидан юқорида, зоғ эса булбулдан тепада, калхат лочиндан тўрда жойлашади. Тез орада можаро бошланади. Кейин кўпчилик бир одил подшо бўлса, бу можаро бўлмасди, деган бир қарорга келади. Шунда Ҳудҳуд Семурғ деган қушлар подшоҳи борлигини, бу қуш узоқ Қоф тоғида яшашини, унинг ҳузурига етишиш учун офат ва азобларга тўла водийлардан, хуноб тўла дарёлардан, осмонга тиғдай кўтарган тоғлардан, ҳалокатли ўрмонлардан ўтиш кераклигини айтади. Кўп қушлар у ёқларга сафар қилган, лекин етган-етмаганликлари номаълум. Ҳудҳуднинг сўзларини эшитган қушлар узоқ ва машаққатли сафарга отланадилар. Йўлнинг дастлабки давридаёқ баъзи қушлар йўлдан қайтиш тараддудига тушишади ва Ҳудҳудга турли баҳоналар кўрсата бошлашади. Бу ерда Ҳудҳуд уларга бир қанча ибратли ҳикоялар айтади. Мана улардан бири: бир очкўз одам кўп пул йиғади. Бир куни мол бозорига бориб, савдо қилмоқчи бўлади. Бозор дарё ёқасида эди. У таом еб, сув ичмоқчи бўлганда сувга тушиб кетиб, ғарқ бўлади. Чунки унинг чўнтагидаги тангалар оғирлик қилган эди... Ҳикоятларнинг ҳар бири алоҳида мазмунга эга бўлиб, айнан ўша йўл машаққатидан норози бўлган қушларнинг ҳатти-ҳаракатидан келиб чиқади. Қушлар Ҳудҳуд бошчилигида етти водийдан: Талаб, Ишқ, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано водийларидан ўтадилар. Бу азобли йўлда бир қанча қушлар орқага қайтиб кетади. Ниҳоят азоб-уқубатни енгган, тинка-мадори қуриган ўттиз қуш Қоф тоғининг чўққисига келиб қўнади. Ўттиз қуш бу манзилда Семурғни тополмай фарёд чекади. Шундан кейин қушлар кўз олдида васл боғи жамол кўрсатади. Бу гулшанда ҳар бир гул бир кўзгу бўлиб кўринади. Қушлар Семурғни кўрамизми деб кўзгуга қараганларида, ҳар бири ўзини кўради. Семурғ васл истаб келган ўттиз қўшнинг ўзгинаси эди.

Ким магар Семурғ кўргузгай лиқо,
Бу фанолардан етишкай ул бақо.
Кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз
Оллоҳ-оллоҳ не ажойибдур бу сўз
Қим қилиб Семурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул симурғи бас.
Мунда зоҳир бўлди сирри «ман араф»
Ким кўрубтур гавҳар ўлмоқлик садаф.
Эй кўнгли, бу нуқтадир қушлар тили,
Рамзу имо мулкига тушлар тили.

Навоий бошқа кўпгина достонлардаги каби «Лисон ут-тайр»да ҳам жами жонзоду мавжудотдан олий сифат Инсонни юқори қўяди. Чунки у Тангрининг беқиёс меҳрига сазовор бўлиб, алоҳида эътибор билан яратилган зот. У ҳар қанча иккиламчи бўлмасин, олий мақсад — комиллик сари чин эътиқод билан интилса, истиғфор айтиб тавбаланса, маҳфиратли Яратган унинг гуноҳларидан ўтади ва у ўзлигига эришади, яъни Оллоҳ билан бирлашади, деган тасаввуфий ғояни илгари суради.

***Мунда гар яхши таҳайюл айласанг,***
***Ёки иш сиррин тааммул айласанг.***
***Мутаассиф бўлсанг сифатиллоҳ ила***
***Жазм этарсен хотири огоҳ ила.***
***Ким сен ўқсен ҳар неким мақсуд эрур***
***Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур***
***Зотнинг ижмолига тафсилсен***
***Ҳам вужуд ишколига таъвилсен***
***Ўз вужудингга тафаккур айлагил***
***Ҳар не истарсен ўзингдан истагил.***

Шунингдек, «Лисон ут-тайр» яна шу томони билан ҳам қадрлидирки, шоир асарида ўзининг бу фоний дунёдаги энг олий интилишлари, мақсади, орзу-истаклари — инсон боласини комиллик сари ундаш ва бу йўлда ранжу риёзат тортишдан чўчимасликка ўргатиш, энг муҳими, она тилининг бошқа тиллардан қолишмаслиги, ҳатто афзаллигини исботлашга эришгани ҳақидаги хулосаларини ҳам ошкор қилади:

***Турк назмида чу мен тортиб алам,***
***Айладим ул мамлакатни яккалам.***
***Тўрт девон бирла назми панж ганж***
***Даст берди чекмайин андуҳи ранж.***

Аслини олганда Ҳазрат Навоий мероси биз учун битмас-туганмас дуру жавоҳирларга тўла уммон. Унга ким яхши ният ва чин эътиқод билан шўнғиса, қўли қуруқ чиқмаслигига имонимиз комил. Айниқса, ҳар недан азизроқ истиқлол берган имконият туфайли қадам-бақадам комиллик сари интилаётган, келажаги буюк давлат яратиш иштиёқида ёниб яшаётган ёшлар «Лисон ут-тайр»нинг гўзал қиссаларидан эътиқодда собитлик, олий мақсад учун мунтасил курашиш, чин муҳаббат эгаси бўлиш каби одамийлик сабоқларини олишлари шак-шубҳасиздир.

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Хўжалик судлари ташкил этилганлигининг 10 йиллиги олдидан*

# ОДИЛЛИКНИ МУНОСИБ КАДРЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

«Биз учун ўта долзарб бўлган муаммо ўз Ватани, халқига садоқатли, доимо олға интилиб яшайдиган, муносиб кадрларни тайёрлашдан иборатдир» деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ишлаб чиқилди ва у барча соҳа ва жабҳаларда амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз хўжалик судлари бу миллий дастурнинг ижобатини ўз фаолиятининг биринчи галдаги вазифаси сифатида қабул қилди. Бу йўналишда бир қатор кўламли ишлар амалга оширилаяпти.

Бунда аввало, Олий хўжалик суди ва жойлардаги хўжалик судлари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни тарбиялаш, заҳирага олиш ва доимий равишда малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Бу борада ўз дастуримиз ишлаб чиқилган. Унга кўра хўжалик судлари ўз сафларини илмий ва амалий тажрибага эга, ҳуқуқий томондан етук бўлган, конституциявий бурчи ва судьялик қасамёдига содиқ, адолат мезонини тўғри қўллайдиган, ҳалол ва билимдон мутахассислар билан тўлдириб келиш назарда тутилган ва амалда ҳам шунга интилинмоқда.

Хўжалик судларининг судьялари ва барча ходимлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, фаровонлиги ва порлоқ келажаги йўлида қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий шароит яратилишида ҳисса қўшишни олдиларига қўйган мақсадларидан бири деб биладилар.

Мамлакатимизда шаклланаётган мулкчилик турли шакллари асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик низоларини ҳал этиш улар ваколатлари доирасидаги вазифалардир.

Маълумингизким, бу йил мамлакатимизда хўжалик судлари ташкил этилганига 10 йил тўлади. Шу йиллар мобайнида ишларни янгидан ташкил этишдан тортиб, фаолият самарасини мунтазам такомиллаштириб боришга қадар ишлар жадал олиб борилди.

Эсингизда бўлса 1991 йил 20 ноябрда Республикамиз Олий кенгаши томонидан «Арбитраж судлари ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби ҳақида»ги Қонун қабул қилинган ва шу асосда хўжалик судлари қайта тузилган эди. Арбитражларга суд ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида мақом берилган эди. Бу ҳолат 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонун билан конституциявий тарзда мустаҳкамланиб, хўжалик судлари иш бошлаган эди. Шундан буён бу идоранинг фаолият доираси кенгайиб, ҳал этилаётган ишлар ҳажми йилдан-йил мунтазам ошиб борди.

Масалан, 2000 йилда 1995 йилга нисбатан кўрилган низолар сони қарийб уч бараварга кўпайди ва даъвогарлар фойдасига қарздор шериклари ҳисобидан ундириб берилган маблағ миқдори 1,2 млрд.дан 99,3 млрд. сўмгача ошди. Республика бюджетига фақат ўтган йили давлат божи ва жарималар ҳисобидан 1,2 млрд. сўм тушириб берилди.

Ёки маҳаллий бошқарув органларининг ўтган йили Қонунга зид ҳолда қабул қилган 121 та ҳужжатлари ҳақиқий эмас деб топилди, кўплаб тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий ва маънавий ҳуқуқлари ҳимоя этилди. 1270 та иқтисодий ночор корхоналар хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилди ва хўжалик юритувчи субъектларнинг айбдор шахсларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Бу рақамлар жамиятни сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлашда хўжалик судларининг муносиб ҳиссалари борлигини кўрсатиб турибди.

Хуллас, ўн йиллик фаолият. Бу бир жиҳатдан кўп вақт эмас, шу билан бирга қисқа вақт ҳам эмас. Биз бу «юбилей» сананинг ўзига хос ҳолда кутиб олишга ҳозирлик кўраяпмиз, тадбирлар белгиладик ва амалга ошира бошладик.

Республика давлат арбитражи ва хўжалик судларида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келинган Р.А.Хачатуров, А.Гафуров, О.Г.Неминущая, Ф.Ю.Чарикова, А.Г-.Авитисова ва бошқалар номини ҳурмат билан тилга олаяпмиз.

Ўз бой тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўриб меҳнат қилаётган А.М.Петриченко, Т.Д.Бобомуродов, А.М.Талатинов, К.Р.Розиков, Т.М.Юсуповдек устозлар сафларимиз кўркидирлар. Орамизда ақл-заковатга бой, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний 60 ёшга яқинлашиб қолган 17 нафар судьяларимиз бор. Улар тажрибаси бебаҳо эканлигига гувоҳ бўлаяпмиз.

Сафларимизда назарий билим соҳиблари кўплаб фаолият кўрсатишаяпти. Судьялар орасида 12 нафар фан номзоди, 1 та фан доктори бор. Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси Фозилжон Отахонов, Тошкент вилояти хўжалик судининг раиси Шоназар Бердиев, Наманган вилояти хўжалик судининг раиси Муслимхўжа Муҳиддинов кабилар ана шундай амалиётчи ва назариячиликни мужассам этганлардандир. Қашқадарё вилояти хўжалик судининг раиси Мубин Насуллаев, Навоий вилояти хўжалик судининг раиси Илҳом Насриевлар фан номзодлиги соҳиби бўлганлардан.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлашда қўшган ҳиссаси ва кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳисобга олиниб, бугунга қадар сафимиздаги 17 нафар судья ва 5 нафар бошқа ходимларимиз давлат орден ва медаллари билан тақдирланган.

Хўжалик судларида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» Фахрий унвонига сазовор бўлган 4 нафар судья ва 7 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, бугун хўжалик судларида жипс ва зукко кадрлар потенциали бош қўшган. Мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккури юксалишида ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

**Вали ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон Олий хўжалик суди Кадрлар бошқармаси бошлиғи,**
**хизмат кўрсатган юрист**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Хўжалик судлари бугунги кунда жамият билан собитқадам, турмушимиз асоси бўлган иқтисодиётда тартиб бўлиши учун фаолият кўрсатаётган муҳим соҳа, суд ҳокимиятининг яхлит тармоғи ҳисобланади. Аммо барибир у ҳаётимизда нисбатан янги. Бор-йўғи 10 йил...***

***Газетамиз хўжалик судлари фаолиятини мунтазам ва кенг ёритиб боришни режалаштирган. Шу боис ушбу суд ходимлари, юрист-мутахассислар, журналист ва бошқа қалам соҳибларидан ижодий ҳамкорлик кутамиз.***

## БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

### "УЧАР" КУРСАНТ

Автокурсда ҳайдовчиликни ўрганаётган аёл амалий машғулотга чиқди. Кўп ўтмай у машинани мактаб биноси олдида қаттиқ тормоз бериб, ёнидаги автомобилларга лой сув сачратиб тўхтатди ва раҳбарга деди:

- Менга тезда бошқа инструктор беринг. Олдинги инструкторингиз бўш баёв экан. Мана кабинада олиб келдим, юрагини чангаллаб, бехуш ётибди.

### ШУНДАЙ ҚОЛИШИ КЕРАК

Бойиб кетган банкирдан қандай қилиб бу даражага эришганини сўрашди.

Ишбилармон очиғини айтиб қўя қолди:

- Бунинг учун одам ўн йил ноинсоф бўлиши керак.
- Кейин-чи?
- Ундан кейин шунга кўникиб кетади...

### ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

- Сизда "Қандай қилиб уч ойда бой бўлиш мумкин?" китоби борми?
- Бор. Лекин у яна бир китоб билан қўшиб сотилаяпти.
- У қанақа китоб экан?
- "Жиноят кодекси"

**Дилафрўз АТАЕВА**
**тайёрлади**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Рузибой САИДОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи 10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: Б. ЭГАМҚУЛОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

